“MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” АЖнинг 2022 йил якунларига бағишланган йиллик умумий йиғилиши
БАЁННОМАСИ

Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси 107 уй **09.06.2023й.**
“Тошкент” РФБ биноси

Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларни рўйхатга олиш бошланган вақт: 10-00.

Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларни рўйхатга олиш тугаган вақт: 11-00.

Умумий йиғилишнинг очилиш вақти: 11-00 .

Умумий йиғилишга таклиф этилганлар:

Ш.Юнусов – тафтиш комиссияси аъзоси, Л.Мадрахимов – “GREAT FOURS” аудиторлик ташкилоти аудитори, кузатув кенгаш аъзолари.

Рўйхатга олиш натижалари:

Жами овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган жойлаштирилган оддий акциялар сони 1 828 622 донани ташкил этади. Шундан йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар сони 1 469 465 тани ёки 80,35 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилишида кворум мавжуд ва йиғилишни бошлаш мумкин ҳисобланади.

Жамият акциядори А.Урунбаев акциядорлар умумий йиғилишини очган холда йиғилиш ишчи органини (Умумий йиғилиш раиси ва котиби) сайлаб олишни ва Умумий йиғилиш раислигига акциядор ва Кузатув кенгаш раиси М.Хван, йиғилиш котиби сифатида Х.Махмудовлар номзодини таклиф этди ҳамда овозга қўйди.

Овозга қўйилди:

Умумий йиғилиш раиси этиб М.Хван, йиғилиш котиби этиб Х.Махмудов номзоди тасдиқлансин.

Овоз бериш якунлари:

“Рози” – бир овоздан, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ.

Қарор: Қабул қилинди

Умумий йиғилиш раиси йиғилганларга жамият Кузатув кенгаши томнидан белгилаб берилган йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

2. «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖ ижроия органининг 2022 йил якунлари бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

3. Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарларни тасдиқлаш.

4. Кузатув кенгашнинг 2022 йилдаги фаолияти якунлари бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

5. Жамият тафтиш комиссиясининг 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган текширув натижаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

6. Жамият ташқи аудиторининг 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган текшируv натижаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича халқаро стандардларга асосан тайёрланган аудиторлик хулосасини кўриб чиқиш.

8. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш.

9. «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖ Бош директори билан меҳнат шартномасини узайтириш масаласини кўриб чиқиш.

10. Жамият Кузатув кенгашига номзодларни сайлаш.

11. Жамият тафтиш комиссиясига номзодларни сайлаш.

12. «FULL STOCK GROUP» МЧЖ томонидан «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг 2022 йил якунлари бўйича тайёрланган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича хулосасини кўриб чиқиш.

13. «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг 2023 йил якуни бўйича молиявий натижаларини текширувдан ўтказиш бўйича ташқи аудиторини танлаш ва унга тўланадиган хақ миқдорини белгилаш.

14. Жамиятнинг муддати ўтган ва қайтишига умид бўлмаган дебиторлик қарздорлигини хисобдан чиқариш.

Йиғилиш Раиси акциядорларга кун тартибига киритилган масалалар бўйича маълумот олиш имкони бўлганлигини маълум қилди ва умумий йиғилишни ўтказиш учун қуйидагича Регламентни тасдиқлашни таклиф қилди.

Кун тартиби бўйича ҳар бир маърузачига 10 минутгача, саволларга 3 минутгача вақт берилади.

Овозга қўйилди:

Акциядорлар умумий йиғилиши Регламенти тасдиқлансин.

Овоз бериш якунлари:

"Рози" – бир овоздан, "Қарши" – йўқ, "Бетараф" – йўқ.

Қарор: Қабул қилинди

Кун тартибидаги биринчи масала – овозларни санаб чиқиш, акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш масаласи юзасидан йиғилиш раиси Кузатув кенгаш томонидан саноқ комиссияси аъзолигига Г.Бекназова, Д.Аллаберганова ҳамда Д.Ахмеджановалар номзодлари таклиф қилинганлигини маълум қилди ва қуйидагича овозга қўйди.

Овозга қўйилди:

Умумий йиғилишнинг уч кишидан иборат саноқ комиссияси таркиби ва қуйидаги аъзолари тасдиқлансин: Г.Бекназова, Д.Аллаберганова ва Д. Ахмеджанова

Йиғилиш Раиси М.Хван акциядорларга мазкур масала бўйича бюллетенларда овоз беришларини таклиф этди.

Кун тартибидаги иккинчи масала – «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖ ижроия органининг 2022 йил якунлари бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш масаласи юзасидан С.Нурметов сўзга чиқиб, 2022 йилда жамият олдига қўйилган вазифалар ва амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот берди, жумладан қисқача қуйидаги иқтисодий кўрсаткичларни таъкидлаб ўтди:

2022 йил якунлари бўйича ялпи даромад – 1998,6 млн сўмни (Бизнес – режа бўйича ялпи даромад 1425,72 млн. сўм миқдорида белгиланган эди) ташкил этди. Ялпи даромад бўйича Бизнес-режа 140,1% бажарилди. Даромадларнинг 1786,1 млн. сўмлик кисми асосий фаолиятдан (депозитарий ва инвестиция воситачиси хизматлари) олинган бўлиб, колган 212,5 млн. сўм молиявий фаолиятдан ва бошқа қўшимча даромадлардан тушган пулдир тўлиқ ҳисобот илова қилинади.

Харажатлар 1518,5 млн сўмни ташкил этди. Бизнес – режа бўйича жами харажатлар 1098,2 млн. сўм этиб белгиланган эди. Бизнес – режага асосан харажатлар 138,2 % ташкил қилди. Харажатлар ошиши асосий сабаби даромад ошгандан сунг доромад солик тулови, комунал туловлари ошиши, ходимларни моддий рагбатлантирилиши ва х.к. тўғри келади.

Ўтган йил билан таккослайдиган бўлсак ялпи даромад – 1803,2 млн сўмни (Бизнес – режа бўйича ялпи даромад 1188,1 млн. сўм миқдорида белгиланган эди) ташкил этганди. Даромадларнинг 1643,1 млн. сўмлик кисми асосий фаолиятдан (депозитарий ва инвестиция воситачиси хизматлари) олинган бўлиб, колган 160,0 млн. сўм молиявий фаолиятдан ва бошқа қўшимча даромадлардан тушган пул эди.

Харажатлар 1396 млн сўмни ташкил этганди. Бизнес – режа бўйича жами харажатлар 956,2 млн. сўм этиб белгиланган эди. Бизнес – режага асосан харажатлар 152,5 % ташкил қилди.

Ҳисобот даврининг соф фойдаси 408,1 млн. сўмни ташкил этиб (Бизнес – режа бўйича соф фойда 278,3 млн. сўм миқдорида белгиланган эди), ушбу кўрсаткичнинг Бизнес – режа бўйича бажарилиши 146,6 % ташкил қилди.

Ўтган йил якуни билан таққослайдиган бўлсак ушбу кўрсаткич 346,1 млн. сўмни ташкил этиб (Бизнес – режа бўйича соф фойда 231,8 млн. сўм миқдорида белгиланган эди), ушбу кўрсаткичнинг Бизнес – режа бўйича бажарилиши 149,3% ташкил қилганди.

Жамиятнинг устав фонди 936 254 464 сўмни ташкил этиб, номинал қиймати 512 сўмдан бўлган 1 828 622 дона оддий акциялардан иборат.

Жамиятнинг молиявий кўрсаткичлари таҳлил қилинганда куйидаги кўрсаткичлар олинди:

- активларнинг рентабеллик коэффициенти 0,18 (меёр камида 0,05);
- тўлов қобилияти коэффициенти ёки коплаш коэффициенти 28,35 (меёр камида 1,25) ;
- ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,96 (меёр камида 0,2) ;
- асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти 0,76 (меёр кўпи билан 0,5);
- хусусий маблаглар ва қисқа муддатли қарзларнинг ўзаро нисбати коэффициенти 34,17 (меёр камида 1,0).

Кўриб турганингиздек хамма кўрсаткичлар меёр даражада, фақатгина асосий воситаларнинг эскириш коэффицентидан ташкари. Бу коэффицент жамият балансидаги асосий воситаларнинг эскариб кетганлиги билан изохланади.

Овозга қўйилди:

«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖ ижроия органининг 2022 йил якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

Йиғилиш Раиси М.Хван акциядорларга мазкур масала бўйича бюллетенларда овоз беришларини таклиф этди.

Кун тартибидаги учинчи масала - Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарларни тасдиқлаш масаласи юзасидан Ш.Буркутбаев сўзга чиқиб, 2022 йилнинг 31 декабр холатига жамият балансида 71,2 млн.сўмлик асосий воситалар қолдиқ қиймати ҳисобда туришини, активларнинг баланс қиймати 2665,3 млн.сўмни ташкил этишини, ўзлик маблағлари хажми эса 2589,6 млн.сўмни ташкил этганлигини таъкидлаб ўтди (тўлиқ ҳисобот илова қилинади).

Шунингдек, ҳисобот даврида ялпи тушум хажми 1786,2 млн.сўмни, солиқлар тўлангун қадар даромад 480,2 млн.сўмни, солиқлар 72,0 млн.сўмни, соф фойда эса 408 190,88 минг сўмни ташкил этди.

Овозга қўйилди:

«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг 2022 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зараралар хисоботи тасдиқлансин.

Йиғилиш Раиси акциядорларга мазкур масала бўйича бюллетенларда овоз беришларини таклиф этди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала – Кузатув кенгашнинг 2022 йилдаги фаолияти якунлари бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш масаласи юзасидан Кузатув кенгаш Раиси М.Хван қуйидагиларни маълум қилди.

Кузатув кенгаш хар чоракда белгиланган режа асосида ўзиниг мажлисларини ўтказиб борди. Мажлисда доимий равишда жамият ижроия органини ҳисоботлари, жамият олдига қўйилган топшириқларни қайд даражада бажарилиши ва бажарилган ишлар юзасида жамият ижроия органи фаолиятига бахо бериб борилди.

Жумладан ҳисобот йилида 5 та Кузатув кенгаши мажлиси бўлиб ўтди ва қуйидаги масалалар кўриб борилди:

Ижроия органининг ҳар чораклик хисоботлари, бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши;

Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган бизнес-режасини кўриб чиқиб ва тасдиқлаш;

Умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш ва уни чақириш билан боғлиқ масалалар;

Дебитор қарздолик ва уни қисқартириш бўйича қилинган ишлар;

Кузатув кенгаш томонидан ўтказилган барча мажлисларда Кузатув кенгашнинг барча аъзолари иштирок этди ва ўз таклифларни билдириб борди.

Овозга қўйилди:

«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖ Кузатув кенгашнинг 2022 йилдаги фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

Йиғилиш Раиси акциядорларга мазкур масала бўйича бюллетенларда овоз беришларини таклиф этди.

Кун тартибидаги бешинчи масала – Жамият тафтиш комиссиясининг 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган текширув натижаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш масаласи юзасидан тафтиш комиссияси аъзоси Ш.Юнусовнинг ҳисоботи тингланди ва у қисқача қуйидагиларни маълум қилди (тўлиқ ҳисобот илова қилинади).

«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг 2022 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти жамият томонидан тақдим этилган бухгалтерия маълумотлари асосида ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижасида қуйидагилар таҳлил қилинди, жумладан:

- жамиятнинг молиявий холати, унинг тўловга кобилиятлилиги, активлар ликвидлиги;
- баланс структураси ва жамиятнинг молиявий натижалари;
- 2022 йил якунлари бўйича молиявий барқарорлик кўрсаткичлари;
- даромадлар ва харажатлар кўрсаткичларини ўзгариши;
- бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши.

Шунингдек, текширув якунлари бўйича тафтиш комиссияси томонидан жамият ижроия органига бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, бизнес-режада белгилангандан ташқари харажатларга йўл қўймаслик, дебитор қарздорликни камайтириш бўйича доимий равишда ишлар олиб бориш тавсия этилди.

Овозга қўйилди:

Жамият тафтиш комиссиясининг 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган текширув натижалари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

Йиғилиш Раиси акциядорларга мазкур масала бўйича бюллетенларда овоз беришларини таклиф этди.

Кун тартибидаги олтинчи масала – Жамият ташқи аудиторининг 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган текширув натижаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш масаласи юзасидан йиғилишга таклиф этилган "GREAT FOURS" МЧЖ вакили сўзга чиқди ва жамиятнинг 2022 йилда молиявий кўрсаткичлари бўйича ўтказилган текширув натижалари бўйича ҳисобот берди (тўлиқ ҳисобот илова қилинади).

Шундан сўнг, аудиторлик ташкилоти хулосасини ўқиб эшиттирди, унга кўра «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг 2022 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботи унинг молиявий ахволини ҳаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

Овозга қўйилди:

"GREAT FOURS" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖда жамиятнинг 2022йил якунлари бўйича ўтказган аудиторлик текшируви бўйича хулосаси маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

Йиғилиш Раиси акциядорларга мазкур масала бўйича бюллетенларда овоз беришларини таклиф этди.

Кун тартибидаги еттинчи масала - Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича халқаро стандардларга асосан тайёрланган аудиторлик хулосасини кўриб чиқиш бўйича – "GREAT FOURS" МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича халқаро стандардларга асосан тайёрланган аудиторлик хулосаси билан йиғилганларни таништирди (илова қилинади).

Овозга қўйилди:

Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича халқаро стандардларга асосан тайёрланган аудиторлик хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

Йиғилиш Раиси акциядорларга мазкур масала бўйича бюллетенларда овоз беришларини таклиф этди.

Кун тартибидаги саккизинчи масала – Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш масаласи юзасидан Кузатув кенгаш раиси М.Хван сўзга чиқди ва қуйидагиларни маълум қилди.

Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича олган соф фойдаси 408 190 880,0 сўмни ташкил этди.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг 26.05.2023 йилдаги 03/09-2-17/2250-сонли хати билан йўллаган кўрсатмасига мувофиқ жамиятнинг 2022 йилда олган соф фойдасининг 50 фоизини дивидендлар тўловига йўналтириш бўйича таклиф берилган.

Қолаверса, Кузатув кенгашнинг 15.05.2023 йилдаги мажлиси баённомасига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишига 2022 йилда олинган соф фойдани 50 фоизини тақсимлаш варианти таклиф қилинган эди.

Музокаралардан сўнг жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича олган соф фойдасини қуйидагича тақсимлаш таклиф этилди:

- Дивиденд тўловига (50%) – 204 095 440,0 сўм;

- Меҳнат жамоасини 2022 йилдаги натижаларга эришишдаги меҳнатларини тақдирлаш учун, ягона ижтимоий тўловни ҳисобга олган холда (10%) – 40 819 088,0 сўм;

- Ижро органини тақдирлаш учун, ягона ижтимоий тўловни ҳисобга олган холда (5%) – 20 409 544,0 сўм;

- Кузатув кенгашига жамиятнинг соф фойдаси бизнес-режага нисбатан ортиғи билан бажарилган сумманинг 20%, ягона ижтимоий тўловни ҳисобга олган холда (соф фойданинг 6,36%) – 25 960 939,97 сўм;

- Даромаднинг шаклланишида иштирок этган ходимларни рағбатлантириш учун, ягона ижтимоий тўловни ҳисобга олган холда (2%) – 8 163 817,6 сум;

- Тўланишига ишонч бўлмаган, умидсиз дебитор қарздорликни камайтириш резерв фондига – (4,64%) -18 940 056,83 сўм;

- Илғор тадкикотлар, янги бизнес жараёнларни ва бозор талабига эга махсулотларни (хизматларини) ишлаб чикиш ва сотиш билан боғлиқ ходимларни ўқитиш ва ривожлантиришга - (2%) - 8 163 817.6 сўм;

- Кейинчалик жамият устав фондига капитализация қилиш шарти билан Инновацион ривожлантириш ва жамият моддий-техник базасини ривожлантиришга – (20%) – 81 638 176,0 сўм.

Овозга қўйилди:

«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг 2022 йилда олган соф фойдаси қуйидагча тартибда тақсимлансин:

- Акциялар бўйича дивиденд тўловига (50%) – 204 095 440,0 сўм. Бунда ҳар бир акцияга 111,61 сўмдан дивиденд тўғри келади. Дивидендларни тўлаш амалдаги қонунчилик талабларига кўра жисмоний шахслар учун – уларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига ёки пластик карточкаларига, юридик шахслар учун эса – ҳисоб рақамларга ўтказиш орқали амалга оширилади. Дивидендларни тўлаш 2022 йилнинг 14 июнидан 1 августигача амалга оширилади.

- Меҳнат жамоасини 2022 йилдаги натижаларга эришишдаги меҳнатларини тақдирлаш учун, ягона ижтимоий тўловни ҳисобга олган холда (10%) – 40 819 088,0 сўм;

- Ижро органини тақдирлаш учун, ягона ижтимоий тўловни ҳисобга олган холда (5%) – 20 409 544,0 сўм;

- Кузатув кенгашига жамиятнинг соф фойдаси бизнес-режага нисбатан ортиғи билан бажарилган сумманинг 20%, ягона ижтимоий тўловни ҳисобга олган холда (соф фойданинг 6,36%) – 25 960 939,97 сўм;

- Даромаднинг шаклланишида иштирок этган ходимларни рағбатлантириш учун, ягона ижтимоий тўловни ҳисобга олган холда (2%) – 8 163 817,6 сум;

- Тўланишига ишонч бўлмаган, умидсиз дебитор қарздорликни камайтириш резерв фондига – (4,64%) -18 940 056,83 сўм;

- Илғор тадкикотлар, янги бизнес жараёнларни ва бозор талабига эга махсулотларни (хизматларини) ишлаб чикиш ва сотиш билан боғлиқ ходимларни ўқитиш ва ривожлантиришга - (2%) - 8 163 817.6 сўм;

- Кейинчалик жамият устав фондига капитализация қилиш шарти билан Инновацион ривожлантириш ва жамият моддий-техник базасини ривожлантиришга – (20%) – 81 638 176,0 сўм.

Йиғилиш Раиси М.Хван акциядорларга мазкур масала бўйича бюллетенларда овоз беришларини таклиф этди.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала – «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖ Бош директори билан меҳнат шартномасини узайтириш масаласини кўриб чиқиш юзасидан Кузатув кенгаш раиси М.Хван сўзга чикди.

М.Хван йиғилганларга Давлат активларини бошқариш агентлиги 26.05.2023 йилдаги 03/09-2-17/2250-сонли хатига асосан Нурметов Санжарбек Бахтиярович билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш бўйича тегишли кўрсатма берилганлигини маълум қилди.

Шунингдек у йиғилганларга жамият Кузатув кенгашининг 14.05.2020 йилдаги 2-20-сонли мажлис баённомаси билан С.Нурметов «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖ Бош директори в.в.б. лавозимидан жамият Бош директори лавозимига тайинланганлиги, ўтган давр мобайнида у ўзининг яхши хулқ атвори, жамият олдига қўйилган вазифаларни виждонан бажараётганлиги, қолаверса бизнес режа кўрсаткичлари доимий бажариб келинаётганлигини инобатга олиб, у билан меҳнат шартномаси узайтирилиши мақсадга мувофиқлагини таъкидлаб ўтди.

Қолаверса, жамият Уставига мувофиқ жамият бош директори уч йил муддатга сайланиши белгиланган. Шунга кўра, С.Нурметов билан 3 йил муддатга меҳнат шартномаси тузилади.

Шундан сўнг бошқа акциядорлар вакиллари ҳам, жумладан "Elsis Savdo" АЖ вакили А.Уринбаев, "Узбекинвест" ЭИСК АЖ компанияси вакили С.Латипов ҳам С.Нурметовнинг келгуси ишларига омадлар тилаган холда С.Нурметов билан шартномани уч йил муддатга узайтириш масаласини қўллаб-қувватлашди. Шунда сўнг, барча таклифлар эшитилгандан сўнг,

Овозга қўйилди:

«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг Бош директор - Нурметов Санжарбек Бахтиярович билан тузилган меҳнат шартномаси уч йил муддатга узайтирилсин.

Кузатув кенгаш раиси жамият Бош директори – Нурметов Санжарбек Бахтиярович билан уч йил муддатга меҳнат шартномаси имзолансин.

Йиғилиш Раиси акциядорларга мазкур масала бўйича бюллетенларда овоз беришларини таклиф этди.

Кун тартибидаги ўнинчи масала - Жамият Кузатув кенгашига номзодларни сайлаш масаласи юзасидан йиғилиш Раиси сўзга чиқиб, Кузатув кенгашнинг 30.05.2023 йилдаги 4-23-сонли баённомаси билан кузатув кенгаш аъзолигига қуйидаги номзодлар таклиф этилганлигини маълум қилди ва уларни таништирди, булар:

	Давлат активларини бошқариш Агентлиги номидан(давлат улуши - 46,34%)	
1.	Шукуров Худойберди Пўлатович	Вазирлар Махкамаси бош мутахассиси
2.	Тангриев Санжар Шамсикулович	Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи
3.	Каримов Фархад Музафарович	Осиё тараққиёти банки эксперти (мустақил аъзо)
	«Ўзбекинвест» ЭИСК АЖ номидан (15,91%)	
1.	Латипов Сарвар Ильхомжон уғли	«Ўзбекинвест» ЭИСК компанияси молия директори
	Акциядор Хван Максимилиан Алексеевич номидан (1,08%)	
1.	Хван Максимилиан Алексеевич	Акциядор, жисмоний шахс

Шундан сўнг, кузатув кенгаш аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилишини ва овоз бериш тартиби билан қисқача таништирди.

Йиғилиш Раиси акциядорларга мазкур масала бўйича махсус бюллетенларда овоз беришларини таклиф этди.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала - Жамият тафтиш комиссиясига номзодларни сайлаш масаласи юзасидан йиғилиш раиси сўзга чиқиб, «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг 2023 йилга тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар билан таништирди.

Улар қуйидагилардан иборат:.

1. Юнусов Шоввоз Шавкат ўғли - Давлат активларини бошқариш агентлиги бо мутахассиси;

2. Рахимов Хошим Амиркулович– "Ўзбекинвест" ЭИСК АЖ бош бухгалтери;

3. Тешабаев Косимжон Хакимович - Акциядор Хван Максимилиан Алексеевич номидан.

Шундан сўнг йиғилиш раиси мазкур номзодлар бўйича тафтиш комиссиясига 3 та номзодга овоз беришни таклиф этди.

Овозга қўйилди:

«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг 2023 йилга тафтиш комиссиясига қуйидаги номзодлар сайлансин:

1. Юнусов Шоввоз Шавкат ўғли - Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси;

2. Рахимов Хошим Амиркулович– "Ўзбекинвест" ЭИСК АЖ бош бухгалтери;

3. Тешабаев Косимжон Хакимович - Акциядор Хван Максимилиан Алексеевич номидан.

Йиғилиш Раиси акциядорларга мазкур масала бўйича бюллетенларда овоз беришларини таклиф этди.

Кун тартибидаги ўн иккинчи – «FULL STOCK GROUP» МЧЖ томонидан «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг 2022 йил якунлари бўйича тайёрланган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича ҳулосасини кўриб чиқиш масаласи юзасидан С.Нурметов сўзга чиқди ва қуйидагиларни маълум қилди.

«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖда қабул қилинган Корпоратив кодекс талабларидан яна бири, бу жамиятнинг Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашдир. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашда тегишли лицензияга эга ташкилотлар ҳизматидан фойдаланиш талаб этилади. Шунга кўра, «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖда Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича тендер ўтказилган бўлиб, тендер ғолиби сифатида "FULL STOCK GROUP" МЧЖ танланган эди.

Шундан сўнг "FULL STOCK GROUP" МЧЖ томонидан тақдим этилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича ҳисоботи натижаларига кўра фаолият натижаларини бахолаш натижасида юқори деб баҳоланганлигини маълум қилди ва ҳисоботни ўқиб эшиттирди (илова қилинади).

Йиғилишда барчанинг фикри тингланди. Йиғилиш иштирокчиларининг барча фикларини инобатга олган холда қуйидагича қарорни овозга қўйиш таклиф этилди:

Овозга қўйилди:

"FULL STOCK GROUP" МЧЖ томонидан тақдим этилган «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖда 2022 йил якунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Йиғилиш Раиси акциядорларга мазкур масала бўйича бюллетенларда овоз беришларини таклиф этди.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала - MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг 2023 йил якуни бўйича молиявий натижаларини текширувдан ўтказиш бўйича ташқи аудиторини танлаш ва унга тўланадиган хақ миқдорини белгилаш масаласи юзасидан С.Нурметов сўзга чиқди ва 2023 йил учун аудиторлик ташкилотларидан келиб тушган таклифлар билан акиядорларни таништирди (илова қилинади).

Мухокамалардан сўнг қуйидаги таклиф **овозга қўйилди:**

«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг 2023 йил якуни бўйича молиявий натижаларини текширувдан ўтказиш бўйича ташқи аудитор сифатида "GREAT FOURS" МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва ҳизмат ҳақи миқдори 11 050 000,0 сўм этиб белгилансин.

Йиғилиш Раиси акциядорларга мазкур масала бўйича бюллетенларда овоз беришларини таклиф этди.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи – Жамиятнинг муддати ўтган ва қайтишига умид бўлмаган дебиторлик қарздорлигини хисобдан чиқариш масаласи бўйича Кузатув кенгаш раиси М.Хван сўзга чиқиб, 86,4 млн.сўмлик тўланишига ишонч бўлмаган, муддати ўтган ва умидсиз дебитор қарздорликларни (тўлиқ рўйхат илова қилинади) ҳисобдан чиқариш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, жамият балансидан ҳар йилги ажратмалар ҳисобига шаклланган, муддати ўтган ва қайтишига умид бўлмаган дебиторлик қарздорлигини хисобдан чиқариш учун мўлжалланган 86,5 млн.сўмлик пул маблағлари мавжуд. Шунга кўра, мазкур фонд маблағлари ҳисобидан муддати ўтган ва қайтишига умид бўлмаган дебиторлик қарздорлигини хисобдан чиқариш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Барчанинг фикри тингланганидан сўнг, овозга қўйилди:

«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг иловага мувофиқ 86,4 млн.сўмлик тўланишига ишонч бўлмаган, муддати ўтган ва умидсиз дебитор қарздорликларни ҳисобдан чиқарилсин.

Йиғилиш Раиси акциядорларга мазкур масала бўйича бюллетенларда овоз беришларини таклиф этди.

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганидан сўнг йиғилиш Раиси саноқ комиссияси раиси Г.Бекназовага сўз бериб, барча масалалар бўйича йиғилган овозларни маълум қилишни сўради.

1. ***Умумий йиғилишнинг уч кишидан иборат саноқ комиссияси таркиби ва қуйидаги аъзолари тасдиқлансин: Г.Бекназова, Д.Аллаберганова ва Д. Ахмеджанова.***

Овоз бериш якунлари:
"Рози" – 1 469 465 та овоз ёки овоз беришда иштирок этган овозларнинг 100 фоизи, "Қарши" – йўқ, "Бетараф" – йўқ.

2. «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖ ижроия органининг 2022 йил якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз бериш якунлари:
"Рози" – 1 469 465 та овоз ёки овоз беришда иштирок этган овозларнинг 100 фоизи, "Қарши" – йўқ, "Бетараф" – йўқ.

3. «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг 2022 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар хисоботи тасдиқлансин.

Овоз бериш якунлари:
"Рози" – 1 469 465 та овоз ёки овоз беришда иштирок этган овозларнинг 100 фоизи, "Қарши" – йўқ, "Бетараф" – йўқ.

4. «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз бериш якунлари:

9. «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг Бош директор - Нурметов Санжарбек Бахтиярович билан тузилган меҳнат шартномаси уч йил муддатга узайтирилсин.

Кузатув кенгаш раиси жамият Бош директори – Нурметов Санжарбек Бахтиярович билан уч йил муддатга меҳнат шартномаси имзолансин.

Овоз бериш якунлари:

"Рози" – 1 469 465 та овоз ёки овоз беришда иштирок этган овозларнинг 100 фоизи, "Қарши" – йўқ, "Бетараф" – йўқ.

10. «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖ Кузатув кенгашига қуйидаги номзодлар уч йил муддатга тасдиқлансин:

	Давлат активларини бошқариш Агентлиги номидан(давлат улуши - 46,34%)	
1.	Шукуров Худойберди Пўлатович	Вазирлар Махкамаси бош мутахассиси
2.	Тангриев Санжар Шамсикулович	Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи
3.	Каримов Фархад Музафарович	Осиё тараққиёти банки эксперти (мустақил аъзо)
	«Ўзбекинвест» ЭИСК АЖ номидан (15,91%)	
1.	Латипов Сарвар Ильхомжон уғли	«Ўзбекинвест» ЭИСК компанияси молия директори
	Акциядор Хван Максимилиан Алексеевич номидан (1,08%)	
1.	Хван Максимилиан Алексеевич	Акциядор, жисмоний шахс

Овоз бериш якунлари:

Шукуров Худойберди Пўлатович – 1 412 335 та овоз, Тангриев Санжар Шамсикулович – 1 412 335 та овоз, Каримов Фархад Музафарович – 1 412 335 та овоз, Латипов Сарвар Ильхомжон уғли – 1 454 545 та овоз, Хван Максимилиан Алексеевич – 1 655 775 та овоз.

Кузатув кенгаш аъзолигига кумулятив овоз бериш йули билан қуйидаги номзодлар уч йил муддатга сайланди: Шукуров Худойберди Пўлатович, Тангриев Санжар Шамсикулович, Каримов Фархад Музафарович (мустақил аъзо), Латипов Сарвар Ильхомжон уғли, Хван Максимилиан Алексеевич.

11. 2023 йилга «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг Тафтиш комиссиясига қуйидаги номзодлар тасдиқлансин:

1. Юнусов Шоввоз Шавкат ўғли - Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси;
2. Рахимов Хошим Амиркулович– "Ўзбекинвест" ЭИСК АЖ бош бухгалтери;
3. Тешабаев Косимжон Хакимович - Акциядор Хван Максимилиан Алексеевич номидан.

Овоз бериш якунлари:

"Рози" – 1 469 465 та овоз ёки овоз беришда иштирок этган овозларнинг 100 фоизи, "Қарши" – йўқ, "Бетараф" – йўқ.

Тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидаги номзодлар тасдиқлансин: Рахимов Хошим Амиркулович, Юнусов Шоввоз Шавкат ўғли, Тешабаев Косимжон Хакимович.

12. "FULL STOCK GROUP" МЧЖ томонидан тақдим этилган «MULK-SARMO BROKERLIK UYI» АЖда 2022 йил якунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизими баҳолаш бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Овоз бериш якунлари:

"Рози" – 1 469 465 та овоз ёки овоз беришда иштирок этган овозларнинг 100 фоизи, "Қарши" – йўқ, "Бетараф" – йўқ.

13. «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг 2023 йил якуни бўйича молиявий натижаларини текширувдан ўтказиш бўйича ташқи аудитор сифатида "GREAT FOURS" МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва ҳизмат хақи миқдори 11 050 000,0 сўм этиб белгилансин

"Рози" – 1 469 465 та овоз ёки овоз беришда иштирок этган овозларнинг 100 фоизи, "Қарши" – йўқ, "Бетараф" – йўқ.

14. **«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг иловага мувофиқ 86,4 млн.сўмлик тўланишига ишонч бўлмаган, муддати ўтган ва умидсиз дебитор қарздорликларни ҳисобдан чиқарилсин.**

"Рози" – 1 469 465 та овоз ёки овоз беришда иштирок этган овозларнинг 100 фоизи, "Қарши" – йўқ, "Бетараф" – йўқ.

АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Умумий йиғилишнинг уч кишидан иборат саноқ комиссияси таркиби ва қуйидаги аъзолари тасдиқлансин: Г.Бекназова, Д.Аллаберганова ва Д. Ахмеджанова.

2. «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖ ижроия органининг 2022 йил якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

3. «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг 2022 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар хисоботи тасдиқлансин.

4. «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖ Кузатув кенгашнинг 2022 йилдаги фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

5. Жамият тафтиш комиссиясининг 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган текширув натижалари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

6. "GREAT FOURS" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖда жамиятнинг 2022йил якунлари бўйича ўтказган аудиторлик текшируви бўйича хулосаси маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

7. Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича халқаро стандардларга асосан тайёрланган аудиторлик хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

8. «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг 2022 йилда олган соф фойдаси қуйидагча тартибда тақсимлансин:

- Акциялар бўйича дивиденд тўловига (50%) – 204 095 440,0 сўм. Бунда ҳар бир акцияга 111,61 сўмдан дивиденд тўғри келади. Дивидендларни тўлаш амалдаги қонунчилик талабларига кўра жисмоний шахслар учун – уларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига ёки пластик карточкаларига, юридик шахслар учун эса – ҳисоб рақамларга ўтказиш орқали амалга оширилади. Дивидендларни тўлаш 2022 йилнинг 14 июнидан 1 августигача амалга оширилади.

- Меҳнат жамоасини 2022 йилдаги натижаларга эришишдаги меҳнатларини тақдирлаш учун, ягона ижтимоий тўловни ҳисобга олган холда (10%) – 40 819 088,0 сўм;

- Ижро органини тақдирлаш учун, ягона ижтимоий тўловни ҳисобга олган холда (5%) – 20 409 544,0 сўм;

- Кузатув кенгашига жамиятнинг соф фойдаси бизнес-режага нисбатан ортиги билан бажарилган сумманинг 20%, ягона ижтимоий тўловни ҳисобга олган холда (соф фойданинг 6,36%) – 25 960 939,97 сўм;

- Даромаднинг шаклланишида иштирок этган ходимларни рағбатлантириш учун, ягона ижтимоий тўловни ҳисобга олган холда (2%) – 8 163 817,6 сум;

- Тўланишига ишонч бўлмаган, умидсиз дебитор қарздорликни камайтириш резерв фондига – (4,64%) -18 940 056,83 сўм;

- Илғор тадкикотлар, янги бизнес жараёнларни ва бозор талабига эга махсулотларни (хизматларини) ишлаб чикиш ва сотиш билан боғлиқ ходимларни ўқитиш ва ривожлантиришга - (2%) - 8 163 817.6 сўм;

- Кейинчалик жамият устав фондига капитализация қилиш шарти билан Инновацион ривожлантириш ва жамият моддий-техник базасини ривожлантиришга – (20%) – 81 638 176,0 сўм.

9. «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг Бош директор - Нурметов Санжарбек Бахтиярович билан тузилган меҳнат шартномаси уч йил муддатга узайтирилсин.

Кузатув кенгаш раиси жамият Бош директори – Нурметов Санжарбек Бахтиярович билан уч йил муддатга меҳнат шартномаси имзолансин.

10. Кузатув кенгаш аъзолигига кумулятив овозбериш йули билан қуйидаги номзодлар уч йил муддатга сайланди: Шукуров Худойберди Пўлатович, Тангриев Санжар Шамсикулович, Каримов Фархад Музафарович (мустақил аъзо), Латипов Сарвар Ильхомжон угли, Хван Максимилиан Алексеевич.

11. Тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидаги номзодлар тасдиқлансин: Рахимов Хошим Амиркулович, Юнусов Шоввоз Шавкат ўғли, Тешабаев Косимжон Хакимович.

12. "FULL STOCK GROUP" МЧЖ томонидан тақдим этилган «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖда 2022 йил якунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

13 «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг 2023 йил якуни бўйича молиявий натижаларини текширувдан ўтказиш бўйича ташқи аудитор сифатида "GREAT FOURS" МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва ҳизмат хақи миқдори 11 050 000,0 сўм этиб белгилансин.

14. «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг иловага мувофиқ 86,4 млн.сўмлик тўланишига ишонч бўлмаган, муддати ўтган ва умидсиз дебитор қарздорликларни ҳисобдан чиқарилсин.

Йиғилиш Раиси **М. Хван**

Йиғилиш котиби **Х. Махмудов**

Баённома имзоланган сана: 14.06.2023г.